



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 23 декабрь, № 246 (6429) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ

саховатли заминимизда етиштирилган сархил ноз-неъматлар билан янада файзли ва баракали бўлади



Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида Янги йилни муносиб кутиб олишга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Байрам кунлари аҳоли дастурхони янада файзли ва баракали бўлишини таъминлаш мақсадида керакли юмушлар амалга ошириляётгани диққатга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноан, “Узулгуржисавдоинвест” уюшмаси томонидан ташкил этиляётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо-ярмаркалари ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар сирасига киради. Ушбу ярмаркаларда ноз-неъматлар мақбул нархларда тақлиф этиляпти.

ЯРМАРКА



— Бунда тизимимиздаги 50 дан зиёд ҳудудий улгуржи базаларида 2015/2016 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун 17,3 минг тонна картошка, 17 минг тонна пиёз,

20,5 минг тонна гуруч, 500 тонна гўшт, 9 минг тонна мева ва полиз маҳсулотлари жамғарилгани кўл келмоқда, — дейди “Узулгуржисавдоинвест” уюшмаси раисининг ўринбосари



Ҳосен ПАЙДОЕВ олгон суратлар.

Неъматжон Аҳмаджонов. — Йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва бошқа ҳудудларда кўшимча равишда 16 минг 500 тонна соғути қилинган қишлоқ хўжалиги хамда озиқ-овқат маҳсулотларини сифатли сақлаш имконини бераётди.

Дастлаб пойтахтимиздаги “Наврўз”, “Авиасозлар” деҳқон

бозорларида янги павильонлар ўрнатилди. Кейинчалик яна 10 та деҳқон бозори ва “Ўзқўрғазмасавдо” мажмуаси ҳудудида ана шундай савдо-ярмаркалари ташкил этилди.

Расталардан уюшма таркибидаги ҳудудий улгуржи савдо базаларидан келтирилган сархил мева-сабзавотлар, гўшт, тухум, ширинликлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги хамда озиқ-овқат маҳсулотлари ўрин олган.

— Пойтахт аҳлининг бай-

рам дастурхони ноз-неъматлар билан безатилишига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз, — дейди “Фарғона гўшт-сут савдо” акциядорлик жамияти ҳудудий улгуржи савдо базаси директори Дилшоджон Абдурахмонов. — Ярмарка бошланганидан буён, мана, уч кун ўтган бўлса, келтирилган маҳсулотларимизнинг бир қисмини сотишга улгурдик. Захирамиз етарли.

(Давоми 2-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — устувор вазифа

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат” номли маърузасида илгар сурилган вазифалар асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Чунончи, парламент қўйи палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз маърузасида оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хотин-қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш масалалари муҳофиза қилинди.

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, қўмита ҳузурида тузилган эксперт гуруҳи аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва

унинг ҳудудий бўлиmlари раислари, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мутасаддилари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси раҳбарлари хамда журналистлар иштирок этди. Таъкидланганидек, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, сиҳат-саломатлигини асраш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, оила, никоҳ муносабатларини тартибга солиш борасидаги ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Индонезияда маҳалла институтининг тақдимоти бўлиб ўтди

Жакартада “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари. Маҳалла институти: тарихий тажриба ва замонавийлик” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикасининг Индонезиядаги элчихонаси томонидан Гунадарма университети билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Индонезия ҳукумати ва парламенти, мамлакатнинг илмий-академик хамда эксперт-таҳлил доиралари, Жакартада аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси вакиллари мазкур давра суҳбатининг иштирокчилари бўлдилар. Улар фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги Ўзбекистон тажрибаси, ноёб институт ҳисобланган маҳаллани кўллаб-қувватлаш юзасидан республикамизда олиб борилаятган тизимли ишлар билан ақиндан танишдилар.

Тадбир доирасида “Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва замонавийлик” номли ҳужжатли фильм на-

мойиш қилинган баробарида, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари. Маҳалла институти: тарихий тажриба ва замонавийлик” китоби хам тақдим этилди. Булар давра суҳбати қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Индонезия вакиллари мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат хамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган кенг қўламли ислохотларнинг муҳим таркибий қисми сифатида ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама ривожлантириш соҳасида кўлга киритилган муваффақиятларга юқори баҳо бердилар.

Жумладан, Индонезия

парламенти аъзоси, Миллий мандат партиясининг Халқаро алоқалар бўлими раҳбари Мухаммад НАЖИБ демократик кадрятлар нуқтаи назаридан маҳалла ноёб институти ҳисобланганини қайд этди. Унинг фаолияти ижтимоий адолат, ошкоралик хамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларнинг ҳал этилишидаги мустақилликка асосланган.

— Истиқлол йилларида қайта тикланган мазкур тизим замирида энг яхши демократик кадрятлар мужассамки, бу замонавий Ўзбекистон эришган муҳим муваффақиятлардан бири ҳисобланади, — деди М. Нажиб. — Давлат ва

жамият ҳаётининг янги соҳаларини қамраб олиш асносида маҳалла институти фаолияти бундан кейин хам кенгайиб боражағига шубҳа йўқ.

Ўз навбатида, Гунадарма университети ректори, профессор Эко Шри МАРГАНТИ бир неча мараба Ўзбекистонда бўлганини маълум қилар экан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий хамда маънавий соҳаларда кўлга киритган муваффақиятлардан яхши хабардор эканлигини қайд этди. У ўз чиқишида республикамизнинг барқарор иқтисодий ривожланиши ҳақида атрофлича тўхтади. Унинг айтишича, мамлакатимиз яппи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши охириги 11 йил мобайнида барқарор равишда 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани Ўзбекистон эришган муваффақиятларнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Рағбат янги марраларга ундайди

Кеча Ёшлар ижод саройида анъанавий “Йилнинг энг фаол ёш журналисти” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ва Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур кўрик ёш журналистларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши

учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизда демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини ёритишдаги фаоллигини ошириш хамда ёшларга оид давлат сиёсати тарғиботига қаратилган.

“Йилнинг энг фаол ёш журналисти” танлови “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, бошқа давлат хамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, соҳа ходимларини кўллаб-қувватлаш, меҳнатини рағбатлантириш ва кадрлар тайёрлашга қаратилган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Навоий шаҳрида яқинда фаолият бошлаган “Metall kord” Ўзбекистон — Канада қўшма корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар тури 21 тага етди.

Металлдан йирик конструкциялар

Натижада металлдан бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи илгор дастгоҳларни бошқариш учун 86 киши жамоа сафига қабул қилинди. — “Navoiyazot”, “Навоий дон маҳсулотлари” каби йирик саноат тузилмалари асосий бюртмачиларимизга айланди, — дейди қўшма корхона раҳбари Эркин Сатторов. — Ҳозир ностандарт металл жиҳозлар ва конструкция-

ларимизга талабгорлар кўп. Қолаверса, яқинда резина ашёлари чиқиндисидан кучли олишни ўзлаштирдик. Бу хом ашёдан келгусида футбол майдонлари учун сунъий қопламалар тайёрлашда фойдаланамиз. “Metall kord” йилгига 3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнес жадал ривожланмоқда

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида Қорақалпоғистон Республикасида 1063 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 11 минг 607 тага етди.

Хўжайли туманидаги “Алциона Хўжайли” хусусий корхонаси — шулардан бири. Яқинда бу ерда амалга оширилган техник ва технологик янгиликлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, маҳсулотлар тури кўпайди. — Замонавий технологиялар харид қилишимизда банк томонидан ажратилган 107 миллион сўмлик кредит кўл келди, — дейди корхона раҳбари Қодирберган Матназаров. — Ҳозир 15 турдаги нон ва қандолат маҳсулотларимиз истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Бу эса келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш имконини беради.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий технологиялар — ишлаб чиқаришга

Наманган шаҳридаги “София саноат савдо” хусусий корхонасида амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари натижасида ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий этилди.

Лойиҳа рўйбига йўналтирилган 200 миллион сўмлик сармоянинг 150 миллион сўми тижорат банки маблағидир. Шунинг ҳисобидан харид қилинган янги ускуналар бир кеча-кундузда бир тоннагача ўндан ортиқ турдаги ширинлик ва пиширликлар тайёрлаш имконини беради.

— Хуштаъм вафли, бискуит хамда бошқа турдаги қандолат маҳсулотларимиз истеъмол бозорида ўз ўрнини топ-

ди, — дейди корхона раҳбари Раҳматилла Қутбидинов. — Шу боис бюртмалар ҳажми тобора ортмоқда.

Наманган шаҳрида жорий йилнинг тўққиз ойида ишлаб чиқариш субъектларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга доир 5,8 миллиард сўмлик 43 та лойиҳа амалга оширилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инсонпарварлик ва бағрикенглик ифодаси

Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг шу йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йилгирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори ижросига бағишланган идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар хамда Тошкент шаҳар судлари, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, солиқ хамда божхона қўмиталари, прокуратура ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари, шунингдек, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди хамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, амнистия акти миллий кадрятларимизни, бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби олий фазилатларнинг нозик қирраларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, у мамлакатимизда амалга ошириляётган инсонпарварлик хамда миллий кадрятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш сиёсатининг яққол ифодасидир.

(Давоми 2-бетда).

Индонезияда маҳалла институтининг тақдимоти бўлиб ўтди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Республикада жамият ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда кенгайтириш бўйича қабул қилинаётган илмий-тадбирлар юқори баҳога sazвордир, — деди профессор. — Маҳалла фақатгина фуқароларнинг ижтимоий бирлашмаси эмас, у чуқур тарихий илдизларга эга. Маҳалла юксак маънавий-ахлоқий кадрларни сақлашга, одамларнинг бирдамлигини кучайтиришга, фуқароларда ўз Ватанига, маданияти ва аъёналарига садоқат туйғуларининг мустаҳкамлашига қўмақлашади.

Гунадарма университетининг Халқаро алоқалар бўлими бошлиги И Маде ВАРЬЯНА маҳалла кучли фуқаролик жамиятининг пойдеворини шакллантиришини қайд этди. Унинг айтишича, демократия ҳар бир мамлакатнинг миллий ўзига хосликларига мувофиқ бўлмоғи лозим. Ўзбекистондаги маҳалла институтининг ўзини ўзи бошқаришнинг мустақил органи ҳисобланади ҳамда у республиканинг демократик ривожланиш модели билан жуда уйғундир.

— Маҳаллаларда ва умуман, Ўзбекистон жамиятида аёлларнинг роли тобора ошиб бораётганига урғу беришни истар эдим, — деди

эксперт. — Ўзбекистондаги фуқаролик институтларининг фаолияти Индонезияда юқори баҳоланади. Улар демократик кадрлар, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясининг муҳим омили ҳисобланади. Ишончим комилки, республика маҳалла институти сингари ўз аъёналари ва кадрларини асосида бундан кейин ҳам ривожланиб бораверади.

Гунадарма университетининг Ахборот технологиялари факультети декани Аданг СУХЕНДРАнинг таъкидлашича, “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши тажрибаси Индонезия учун жуда қизиқарлидир. Маҳалла институтининг афзаллиги шундаки, фуқаролар жамият ҳаётида юзага келган масалаларни мустақил ва биргаликда ҳал қилишади. Умуман олганда, бу феноменга аҳоли ўртасидаги барқарорлик, бирдамлик ҳамда уйғунлиқнинг гарови сифатида қараш керак”.

Индонезия Ташқи ишлар вазирлиги эксперти, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Муҳаммад АСРУХИН маҳаллани “Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришидаги самарали механизм”, дея таърифлади. Дипломатининг қайд этганича, ўз моҳиятига кўра ноёб ҳисобланган бу институти ёшлар тарбияси, жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини мустаҳ-

камлаш, кексаларга гамхўрлик кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш воситасида давлатнинг ижтимоий сиёсати ҳаётда татбиқ қилинишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Ўзбекистон Конституцияси ҳамда республиканинг бошқа қонунларида қатъий белгилаб қўйилганидек, маҳалла раиси фуқароларнинг овоз бериши йўли билан 2,5 йилга сайланади, — деди М. Асрухин. — Бу эса демократик тамойилларнинг амалга оширилиши кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Умуман олганда, маҳалла “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг ҳаётга илҳом қилишида ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Маланг университети профессори Лаоде КАМОЛИДДИНнинг фикрича, “Ўзбекистон халқи асрлар давомида маҳаллада истиқомат қилиб келган. Фуқаролар бугунги кунда турли ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўзлари ҳал этишмоқда, аждоларининг бой маданий меросини авайлаб асрашмоқда ва уларни янада бойитмоқда, мустаҳкам ҳамда соғлом оила шаклланишида, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган”.

— Маҳалланинг ривожланиши ва оёққа туришининг энг муҳим босқичи мустақиллик йилларига тўғри

қилинади, — деди Л. Камолiddин. — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганидан сўнг ушбу институт янги мазмун билан бойиди: Асосий Қонун моддаларидан бири фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига бағишланган. Бугунги кунда Президент Ислам Каримов томонидан доимий равишда эътибор қаратилаётгани тўғрисида маҳалла тобора рағбат топмоқда ҳамда мамлакатда барқарорлик ва тараққиёт таъминлашининг энг муҳим механизми сифатида гуллаб-яшнамоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, тадбир иштирокчилари “Фуқаролик жамиятининг шаклланиши бўйича Ўзбекистонда тўплаган катта тажрибани синхронлаб ўрганиш зарур”, деган хулосага келдилар. Уларнинг эътирофи эътиборига, бу тажриба халқнинг кўп асрлик аъёналарига ҳамда мамлакатда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларга асосланган. Давра суҳбати қатнашчилари алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги муваффақиятлари ва ўз олдига қўйган вазифаларини ҳаётга татбиқ этишдаги тадрижийлик дунёдаги барқарор демократик ривожланишга интилаётган кўпгина мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қила олади.

«Жаҳон» АА. Жакарта



Шоурот ШАРАПОВ оling сурат.

Рағбат янги марраларга ундайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу эзгу ишлар самарасини “Йилнинг энг фаол ёш журналисти” республика кўрик-танлови мисолида ҳам кўриш мумкин. Жорий йилда танловга 30 ёшгача бўлган 400 нафардан ортқ журналист томонидан матбуот, радио, телевидение, интернет ва фотожурналистика каби йўналишларда уч мингдан зиёд ижодий иш тақдим этилди.

Ушбу ижодий ишлар мавзунинг долзарблиги, ёритиш маҳорати, мамлакатимизда ёшларга оид амалга оширилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини

очиб бериш каби мезонлар асосида баҳоланди. Ҳар бир номинация — энг яхши мақола, радиоэфиртириш, телекўрсатув, фотосурат ва интернет материаллари муаллифлари орасидан учтадан танловга 30 ёшгача бўлган 400 нафардан ортқ журналист томонидан матбуот, радио, телевидение, интернет ва фотожурналистика каби йўналишларда уч мингдан зиёд ижодий иш тақдим этилди.

Ушбу ижодий ишлар мавзунинг долзарблиги, ёритиш маҳорати, мамлакатимизда ёшларга оид амалга оширилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини

газеталарда ёшлар ҳаётига доир мақолалари билан фаол қатнашиб келмоқда. — Ёш журналистларнинг нуфузли танловда муваффақиятга эришганимдан жуда хурсандман, — дейди у. — Мамлакатимизда навқирон авлодга қаратилаётган бундай юксак эътибор ва гамхўрлик кучимизга куч қўшиб, янги ижодий марраларни забт этишга ундайди. “Йилнинг энг фаол ёш журналисти” кўрик-танлови голиблари ташкилотчиларнинг диплом ҳамда қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инсонпарварлик ва бағрикенглик ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Негаки, билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолганларни кеңириш, уларга инсонпарварлик ақтини қўллаш бундай шахсларнинг ҳар қандай қилмиши учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишида катта аҳамият касб этади. Бу юртимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари моҳиятига ҳам сингдирилган.

Тадбир давомида Сенат қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, уни қўллаш жараёнида очиқ-ошкоралик ва жамом-

атчилик назоратини таъминлаш, амалиётда ҳатолликларга йўл қўймаслик, шунингдек, ҳодимларнинг масъулияти ҳамда малакасини ошириш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, қарор ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан атрофлича маълумот берилиб, жазони ижро этиш жойларидан қайтиши қўйиб қўйилган шахсларнинг жамиятга мослашишига имконият бериш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, ёлғиз ҳамда кўмак-

қа муҳтожларга тегишли ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратида топширилиши, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлиғини тиклаши учун шарт йратишга оид чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шу билан бирга, амнистия акти ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш, мазкур жараёнда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда мутасадди идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайти-

риш юзасидан вазифалар белгилаб олинди. Амнистия актини қўллашнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш масалалари ҳам қатнашчиларнинг диққат-эътиборида бўлди.

Амнистия актига асосан, жазодан озод қилинган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари ҳамда уларнинг қайта жиноят содир этмасликлари учун ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хо-

димлари ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг тўла ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш ва унинг ижросига маъсул бўлган идоралар ҳодимларини билим ҳамда кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказиб борилиши лозимлиги таъкидланди.

Йилнинг мутасадди идоралар томонидан амнистия акти ижросини таъминлаш, бунда ушбу жараёни оммавий ахборот воситаларида кенг ва самарали ёритиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — устувор вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йилнинг юртимизда “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилинган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барчамиз учун қадрли бўлган оилаларни мустаҳкамлаш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш, юртимиз ривожини, Ватанимиз обрў-эътиборини халқаро майдонда юксалтириш йўлида рўёбга чиқарилаётган ишларни янада юқори босқичга кўтарди.

Бинобарин, аёл — соғлом авлод яратувчиси. Шу боис хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини янада юксалтириш, улар учун қулай меҳнат шaroитини яратиш, амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, она-сингилларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга давлат сиёсатининг муҳим йўна-

лишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ республикамизда аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, иш фаолиятларини оила, фарзанд тарбияси билан уйғунликда олиб боришлари учун зарур имкониятлар беришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани бунинг амалий ифодасидир.

Тадбирда муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар асосида давлат ва нодавлат ташкилотлари, айниқса, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, унинг худудий бўлиmlари, шунингдек, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар эътироф этилди. Шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, улардан фойдаланиш ҳолати, мавжуд муаммо ва ўз ечимини қутаётган масалаларни қонуний ҳал этиш

масалалари юзасидан ҳам қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Иштирокчилар оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазасига оид қонунларни такомиллаштириш борасида қатор таклифларни илгари суддилар. Шунингдек, қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижроси, дастурларнинг маҳаллий ижро органлари томонидан қандай даражада бажарилаётганини таҳлил қилиш, ушбу йўналишда парламент назоратини, депутатлик назоратини янада кучайтириш, энг асосийси, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта никоҳларнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қўриш ва бу бўйича жойларда тарғибот тадбирларини ўтказиш мақсадида мувофиқдир.

Тадбир якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Қисқа сатрларда

● Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлигида “Бир дарча” маркази фаолияти йўлга қўйилди. Шу муносабат билан ташкил этилган амалий семинарда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат этувчи ва суд органлари вакиллари, тадбиркорлар қатнашди.

● Наманганда кичик бизнес субъектлари томонидан “Made in Uzbekistan” белгиси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тақдимоти бўлиб ўтди.

● Жиззахда одам савдосига қарши курашишда давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклигини мустаҳкамлашга бағишланган минтақавий семинар уюштирилди.

● Пойтахтимиздаги Киночилар уйида янги киноасарлар яратиш, соҳани янада ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати ҳамда қисқа метражли фильмлар намойиши ўтказилди. Тадбирда қисқа метражли фильмларда йirik мавзулар устуворлигини таъминлаш, адабий тил меъёрларига риоя этиш, мазмунан юксак асарлар яратишни қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалар хусусида фикрлашилди.

● Миллий матбуот марказида “БМТнинг аҳоли жамғармаси (ЮНФПА): дунёнинг 2015 йил аҳолиси тўғрисида йиллик маърузаси тақдимоти” мавзусида анжуман ташкил этилди.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ

саховатли заминимизда етиштирилган сархил ноз-неъматлар билан янада файзли ва баракали бўлади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вилоятдаги 30 дан зиёд деҳқон ва фермер хўжаликлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари байрамолди савдосида узил-бузилмаслигини таъминляпти.

— Бизга мана шундай қулай шарт-шaroит яратиб берилаётганидан жудаям миннатдоримиз,

— дейди Учтепа туманилик ҳаридор Абдуғаффор Аҳмедов. — Қаранг, бу ерда барча озиқ-овқат маҳсулотлари 30 фoиз арзон экан. Сифати ҳам жуда яхши. Деҳқонларимизга, шахарликлар манфаатини ўйлаб, шундай тадбирларни ташкил этаётганларга минг раҳмат. Ахир Янги йилни яқин дўстлар, оила даврасида,

файзли дастурхон атрофида кутиб олишинг гашти ўзгача-да.

Республикамиз бўйлаб уюштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари 2016 йилнинг 2 январь кунигача давом этади.

Дилшод УЛУҒМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Истиқлол берган имкониятлар самараси ҳаётимизнинг барча жабҳасида ўз аксини топмоқда. Тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида юксак марраларни забт этаётган халқимиз ютуқлари салмоғи тобора ошиб борапти. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, юртдошларимиз турмуш тарзини янада яхшилашдек эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.



ОБОД МАНЗИЛЛАР ТАРОВАТИ

Биргина қишлоқ жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини олайлик. Ҳозир энг чекка ва олис манзилларда ҳам беқиёс ўзгаришлар, янгиликлар рўй бермоқда. Мустаҳкам инфратузилма, замонавий қулайликлар, муҳташам иморат уншоотлар... Буларнинг барчаси қишлоқларимизнинг шахарлар билан бўйлашиб бораётганидан далолат беради. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида кенг, шинам ва кўркам тураржойлар қурилиши одамларимизнинг нафақат турмуш тарзи, балки тафаккурини ҳам тубдан ўзгариштирди.

Зеро, обод ва саришта уй — бахту саодат, файзу барака ошёни. Ундаги қулайликлар турмуш фаровонлиги кафолатидир. Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура талаблари асосида тубдан ўзгарти-

риш ва янгилаш, илгор муҳандислик, транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилмага эга бўлган янги уй-жой массивларини барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли вазифалар белгилаб берилди.

Хоразм вилоятида ҳам мазкур ҳужжат ижроси доирасида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Хусусан, ўтган олти йил давомида воҳанинг 56 та массивида 4 минг 212 та уй-жой ҳамда ушбу худудларда мактаб, гузар, бозор, савдо мажмуаси, нововойҳа, минибанк сингари 122 та ижтимоий соҳа объекти, шунингдек, автомобиль йўллари, сув, газ, электр тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Кўтаринки кайфият, эртанги кунга қатъий ишонч инсонни эзгу мақсадлар сари қорловчи муҳим омилардандир. Бугун қишлоқларга ўзгача тароват бахш этаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар эгаларининг фаровон турмуш тарзини кузатиб, бунга яна бир қарра амин бўлиш мумкин. Энг муҳими,

бундай шароитда вояга етаётган ўғил-қизлар нафақат соғлом, балки кенг дунёқараш ва бой тафаккур эгалари бўлиб камол топмоқдалар.

— Ҳар бир худуднинг ўзига хос иқлим шароити бор, — дейди Хонқа туманидаги “Хоразм Шоҳназар қурилиш-таъмирлаш” хусусий корхонаси раҳбари Тоҳир Абдуллаев. — Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш жараёнида бу жиҳатлар алоҳида эътиборга олинапти. Деворларнинг пишиқ гиштдан тиклиниши эса хонадонларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Қолаверса, эшик ҳамда дераза ромлари, томёпқичлар, сантехника жиҳозлари, қўйинги, барча-барчаси замонавий, кўркам ва мустаҳкам. Меҳмонхона, болалар хонаси, ётоқхона, ошона, ювиниши хоналари пухта мезморий ечим асосида барпо этилган. Қисқача айтганда, бу уйлар аҳоли деди ҳамда талабига жуда мос. Мазкур иморатлар ўз эгаларига узоқ йиллар хизмат қилади. Ҳозир уларни белгиланган муддатларда, сифатли тарзда қуриб, фойдаланишга топшириш учун биз, пудратчи

ташкилотлар жамоалари барча имкониятини ишга соляяпти.

Дарҳақиқат, бино тиклаш — машаққатли ва узоқ давом этадиган жараён. Бунда сифатли қурилиш ашёлари, малакали мутахассислар, зарур техника воситаларисиз қутишга самарага эришиб бўлмайди. Янги массивлардаги улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш ва жадаллаштиришда мустаҳкам моддий-техника базаси ҳал қилувчи аҳамият касб этаётди. Чунончи, аини кунда воҳада намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар барпо этиш юмушларига 107 та пудратчи қурилиш ташкилоти жалб қилинган. Уларга солиқлардан имтиёзлар тақдим қилинганлиги, қурилиш материаллари маҳаллий корхоналар томонидан

қисқа муддатда ва арзон нархларда етказиб берилаётганлиги ютуқлар асоси бўляпти. Пировардида бундай шинам ва кўркам уйларда яшаш истагидаги юртдошларимиз сони тобора ортиб, қурилиш ишлари қўлами янада кенгаймоқда. Жумладан, жорий йилда ҳам вилоятнинг 22 та массивида 865 та ана шундай иморат қуриш жараёни якунланаётган бўлиб, ҳозирги кунгача 140 миллиард сўмлик иш бажарилди.

— Шифокорлар оиласимиз, — дейди хонадон бошлиғи Отабек Саидов. — Икки нафар фарзандимиз бор. Анчадан бери барча қулайликларга эга уй-жойда яшашни орзу қилардик. Шу сабабли Урганч туманининг Юқори Жирмиш қишлоғида барпо этилган тураржойлардан бирини харид қилдик. 15 йил муддатга имтиёзли кредит берилиши эса катта қўмак бўлди. Ҳозир массивимизда мактаб, боғча, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, равон йўллар қуриляпти. Ҳўш, бир пайлар бундай имкониятлар бормиди? Иморатлар пахсадан, гуваладан тикланиб, усти ҳар йили лойсувоқ қилинарди. Ҳозиргидек кўзни қамаштирувчи томёпқичлар қаёқда эди дейсиз?! Бутун маҳаллада шиферли ёки тунақа томли уйлар бармоқ билан санарли бўларди. Шўрки, энди ҳавас қилса арзиғулик шароитларда яшаймиз. Бу биз сингари ёш оилалар учун чинакам гамхўрлик намунасикидир.

“Ободлик кўнгилдан бошланади”, дейишади. Кўнгилдан кўчган яратувчанлик ҳисси эса хонадонлар, қишлоғу маҳаллалар кўрғига кўрк қўшади. Зеро, Ватан — обод манзиллари билан файзу тароватлидир. Бугун жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойлар соҳибларининг фаровон турмуши мисолида бунга такрор ва такрор ишонч ҳосил қилишимиз мўжаррар.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Япониянинг электроника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Toshiba" компанияси жорий молиявий йил (2016 йил март ойида якуналади) бўйича прогнозини маълум қилди.

Хавотирли тахмин



Унга кўра, мазкур даврда корхона 550 миллиард иена (4,5 миллиард АҚШ доллари) миқдорда зарар кўриши кутилмапти. Бу унинг охириги йигирма йилда олган даромадидан икки баробар кўпдир.

Вазият жиддийлиги боис "Toshiba" телевизор, компьютер ва маиший техника воситалари тайёрланадиган бўлимларида реструктуризация жараёнларини амалга оширишни режалаштирмоқда. Оқибатда қарийб 6800 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга тўғри келади. Шунингдек, компания Индонезиядаги заводи ҳамда Токиодаги тадқиқот мажмуасини сотиш ниятида.

Андоза олганликда айбланди

АҚШнинг "Caterpillar" корпорацияси санаят сирларини ўйирлаганлиги учун Буюк Британиянинг "Miller" компаниясига 74 миллион доллар миқдорда товон пули тўлайди.



"Уолл-стрит-жорнал" нашрининг ёзишича, АҚШнинг Иллинойс штати суди томонидан давъодгар фойдасига худди шундай қарор қабул қилинган. "Туман-

ли Альбион"нинг компанияси океанортидаги ҳамкорига экскаватор ва бошқа махсус техникалар учун тиркамалар, ковшлар ҳамда бошқа курилмаларни етказиб берувчилардан бири ҳисобланарди. 2009 йилда "Caterpillar" "Miller"нинг тиркама механизмидаги нусха олиб, ўз маркази остида ишлаб чиқариб, сотганликда айбланди.

Қисқабурун топилди

Олимлар томонидан Фарбий Австралия соҳилида қирилиб кетган, деб ҳисоблаб келинаётган ноёб денгиз илони топилди.



Қисқабурун номини олган ушбу жонзотга охириги марта бундан ўн беш йилча олдин маржон қояларида дуч келинган. Бу ҳақдаги илмий мақола "Биологик муҳокамалар" журналида чоп этилди.

Таъкидлашчи, айна пайтда денгиз илонларининг кўплаб турлари сони қисқариб бормоқда. Биологлар ҳозиргача бунинг сабабини аниқлай олганлари йўқ. Шунинг учун уларни муҳофазага олиш, кўпайишини синчковлик билан кузатиб бориш, улар дучор бўлаётган хавф-хатарларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Сув тубидаги гумбаз

Анд тоғларининг Чили худудидаги Лагуна-дель-Мауле вулқони майдонида жойлашган қадимги кўл сатҳи охириги ўн йилда 67 метр кўтарилган. Геологлар бунинг қандай сабабга оид бўлиб ўтган илмий конференцияда маълум қилдилар.



Чўгланган магманин мунтазам тарзда кўлга тушиши бунга сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Бундай модда сувга қўшилган, совиб қотиб ҳамда тубга чўқади.

Мазкур жараённинг узок вақт давом этиши натижасида кўл тагида катта яхлит гумбаз пайдо бўлган. Шунинг учун сув сатҳи кўтарилиб бора-япти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ФАХР

Кун сайин чирой очиб бораётган юртимиз бўйлаб сайру саёҳатга нима етсин?! Худди шундай жўшқин ҳислар бизни бепоён Сурхон томонларга чорлади. Сафаримиз "Тошкент — Термиз" поездининг шинам, замонавий жиҳозланган купесиди шериклар билан гурунган бошланди. Поезд Деҳқонобод туманининг қир-адирлари, Бойсуунинг маҳобатли тоғу тошларини оралаб ўтгач, баланд чўққилар ортидан қуёш аста-секин бош кўтариб, теварақда тонгинг тиниқ манзаралари кўзга ташланди.

БЕБАҲО НЕЪМАТ САОДАТИ

Республикамизнинг жанубий икки вилоятини бир-бирига боғловчи, ҳақли равишда "Аср мўъжизаси" деб таърифланадиган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл тармоғи ҳақида кўп ва хўб гапирилган, ёзилган. Етук мутахассислар, олимлар, ижодкорлар ушбу бунёдкорликнинг мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида нечоғли аҳамият касб этиши ҳақида батафсил сўз юритишган, қоғоз қоралашган.

Албатта, ўша шиддатли қурилиш жараёнлари ортада қолди. Янги темир йўл тармоғи ишга тушиб, ундан бугун поездлар қаровни пайдар-пай қатнаб турибди. Бу орада Ўзбекистон темир йўлларида кўпдан-кўп ислохотлар амалга оширилди. Соҳага бири-биридан ҳайратомуз янгиликлар, ўзгаришлар татбиқ этилди. Буюк бунёдкорлик ишлари янги куч, янги ғайрат билан бошқа бир маррага кўчди. Яъни пойтахтни водий вилоятлари билан боғловчи, баланд, пурвиқор тоғларга ўтувчи янги "Ангрен — Поп" темир йўл тармоғи қурилиши гоёта катта илҳом, жўшқинлик билан бошлаб юборилди. Мазкур лойиҳада кўзда тутилган вазифалар тўлиқ якунланганича, темир йўлчилар таъбири билан айтганда, "Олтин қозик" қоқилишига яқин қолди. Албатта, буларнинг барчаси кўнгилларга, шак-шубҳасиз, чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди...

"Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл тармоғи қурилиш халқимиз талай таъширлардан кутулди. Қолаверса, Тошкентдан Термизгача бўлган масофа қарийб уч юз чакирим қисқарди! Шу ўринда яна бир гап: янги темир йўл билан бирга овлоқ адирлар, тоғу тошлар орасидаги овул-қишлоқларга тарқиёт, янгица турмуш тарзи кириб борди. Бунинг Деҳқонобод, Бойсун туманларида истиқомат қилувчи кишиларнинг, ай-

ниқса, ёшларнинг мамнуният, қувонч балққан чехраларидан ҳам билиш мумкин. Мана, Дарбанд вокзалига худди шундай хушқайфиятдаги, пойтахт саёҳатидан қайтаётган бир гуруҳ йўловчи тушиб қолди. Тагин бир тўп, замонавий либослари ўзларига хўп ярашган, гап-сўзларига қараганда, ҳазрати ат-Термизий зиёратгоҳига отланган кишилар бизнинг вагонга чиқишди. Вагон кузатувчилари уларнинг гоёта хушмуомалалик, тавозе билан чипталарида кўрсатилган ўринларга жойлаштирди.

Эх, бир пайтлар поезлда йўл юриш нақадар сермашаққат эди. Ёзда бамисли ўт қаланган тандир, қишда гўё музона вагонларда беҳол, бетоб бўлиб қолардиқ. Вагон назоратчилари нигоҳида ноҳусу бир кайфият, худдики унинг хонадонига бемаҳал-берухсат киргансан. Қаранг, бугун ўша манзаралардан асар ҳам қолмади! Тошкент вокзалига оёқ оширганганда бошлаб кўзалар яшнаб, кўнгиллар қувонади. Ҳар тарафдан қулайлик, фойз, жозоба фуриб турибди. Айниқса, вагондаги шарт-шароитлар, вагон кузатувчиларининг юксак маданияти таҳсинга лойиқ.

"Тошкент — Самарқанд — Қарши" йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган "Афросиёб" тезюрар поездини ҳам ана шундай улғувор ўзгаришлар меваси, десак янглишмаймиз.

— Яқинда набираларим билан Самарқанддан Тошкентга йўл олдик, — дейди меҳнат фахрийси Мирза Мавлонов. — "Афросиёб" поезди икки соат деганда манзилимизга етказиб қўйди. Қойил қолдим. Юртимизда ҳар қадамда бир мўъжиза, ҳар қадамда бир янгилик. Юксак марралар сари дадил интилаётган Ўзбекистонимиздаги ривожланиш суратини ана шу "учқур тулпор" шиддатига ўхшатгим келди.

Сурхон сафаридан "Ласетти"

русумли енгил автомобилда қайтдик. Замонавий, тезкор, қулай ҳамда шинам бу улловчи таъриф-таъсифлашга ҳеч бир ҳожат йўқ. Манзилдан-манзилга қўшқад учди. У нафақат юрдушларимизнинг, балки хорижликларнинг ҳам ишончу ихтисоси қозонгани ҳақида бот-бот эшитганимиз. "Узимизда ишлаб чиқарилган!", деб қўямиз гурурланиб.

си ҳавас қилгулик даражада. Ҳамма-ҳаммаси эртақмонанд! — Илгари бундай иморатларни фақат расмларда, экранларда кўрардик, — дейди бизни хушнуд қаршилаган хонадон соҳибни Эргаш бобо Ҳамроев. — Оғзимиз очилиб томоша қилардик, лекин орзу-ҳавас қилишга ҳам ботинолмасдик. Қаранг, замон қандай ўзгариб кетди. Ҳатто мен-



Термизни Қарши ва Самарқанд билан, Самарқандни Бухорою Тошкент билан боғловчи магистраль йўлнинг кенг ва равон кенги, ҳаракатни тартибга солиувчи белги-кўрсатмаларнинг аниқ-тиниклиги, ёрқинлиги, ҳар беш-олти чакиримда маиший-маданий, дам олиш масканларининг мавжудлиги қалбингни беҳиштир завқ-шавққа тўлдиради.

Сафар давомида Сурхону Қашқадарёда, Самарқанду Жиззахда шаҳару қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, жозибдорлик касб этганига яна бир карра амин бўлдик. Айниқса, кенг янгликларда, йўл бўйлариди тизилиб кетган, зангори, қизғиш томларида офтоб жилваланаётган, намунали лойиҳалар асосида қурилган қишлоқ уйлари айтмайсиими?!

Йўл-йўлакай Ғузур туманидаги "Қорқумди" МФЙга қарашли худди шундай кўркам хонадонларнинг бирида меҳмон бўлдик. Энг илғор ошхона жиҳозлари, иситиш, совитиш тизими, қулай, ораста ювиниш хоналари, шинам, кенг ётоқхоналар, болалар хона-

га ўхшаган оддий чўпону деҳқонга ҳам ана шундай ажойиб уй-жойлар насиб қилди!

Фараҳли кечинмалар оғушида йўлда давом этдик. Самарқанд шаҳрини мириқиб томоша қилгач, Имом Бухорий зиёратгоҳига бордик. Дов-дархатларга бурканган бу муборак маскандан юзлаб, минглаб зиёратчиларнинг, чет элли сайёҳларнинг қадами узилмади. Албатта, бундай улкан ислохотларни, таъмирланган, қайта тикланган тарихий обидаларни, муқаддас қадимзоҳларни, юртимиздан етишиб чиққан улғу алломаларнинг ёдгорликларини бугун мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва овулида учратиш мум-

"Сафарда ҳикмат кўп", дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Бутун йўл давомида шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, фаровон турмушдан мамнун чехраларни кўрдик, келажакка ишонч билан қараётган ёшлар билан суҳбатлашдик, Истиқлол ота этган улғу неъматни янада тереяроқ англадик. "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган саволга жавоб топдик. Ва... теварақ-атроф нафақат қуёш нурларидан, балки юракдаги масрурликдан ҳам бундан-да чарогон бўлиб кетди.

Луқмон БҮРИХОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ЭЪЛОНЛАР

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

- «Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
- Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.
- «Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
- Корхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.
- «Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
- Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

Қўшимча маълумот олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ расмий веб-сайти (www.uzpsb.uz / bank.balansidagi.korxonalar) ёки Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (0-371) 120-36-04, (+99890) 969-79-97, (+99891) 132-10-18. Факс: (0-371) 120-45-64.
E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz

10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 8 январь куни соат 16.00.

Аукцион савдоси голибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан кўчмас мулклар учун тўловларни амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузилганида белгиланади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сарбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 2017122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: (0-371) 228-78-96.
www.1kms.uz E-mail: rielt.savdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУҶЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатлари (ТИА, бизнес-режа)ни ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Фонд энг истиқболли ва жозибдор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга қумаклашади.

Танлов куйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган санаят корхоналарини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловга инвестициявий жозибадор ва санаят соҳасида татбиқ этишда истиқболли, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, махсуслаш ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

- Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим:**
- ариза (намуна бўйича);
 - инвестиция таклифи (намуна бўйича);
 - инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; **E-mail:** pdf.fund@gmail.com
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратов кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

«Universal auktsion invest» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 7 январь куни соат 14.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Мирзо Улугбек туманларо судининг 2014 йил 10 сентябрдаги 1-4676/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz Best» русумли, давлат рақами 01 369 ОСА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм.

* Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2014 йил 20 июндаги 10-1406/7188-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 01 971 ОАА.
Бошланғич баҳоси — 15 985 000 сўм.

2016 йил 22 январь куни соат 14.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан ФИБ Мирзо Улугбек туманларо судининг 2015 йил 11 февралдаги 1-787/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Сартива» русумли, давлат рақами 01 О 440 LA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин тўхтайтилади.

2016 йил 22 январь куни соат 15.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнобод тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
* Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2013 йил 23 декабрдаги 10-1304/19247-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 01 851 LAA.
Бошланғич баҳоси — 17 889 000 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 2020800004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўловлар олинади.

* ФИБ Мирзо Улугбек туманларо судининг 2015 йил 16 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 01 R 080 ВА.
Бошланғич баҳоси — 12 600 000 сўм.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.

Гувоҳнома № 004059.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН:



«Халқ сўзи» газетасига қилинган ҳар бир мурожаат доимо эътиборда бўлади.

— Ҳуқуқ соҳасига қизиқман. Вилоятимизда ушбу йўналишда коллеж мавжуд эмас. Айтинг-чи, мен Тошкентдаги юридик коллежда ўқисам бўладими?

К. РАҲИМОВ. Чирочки тумани

«Ҳуқуқшунослик соҳасига қизиқман»

— Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳуқуқшунослик соҳасига ихтисослаштирилган саккизта коллеж мавжуд. Бундан ташқари, қолган ҳудудларда ҳам, гарчи ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган бўлмаса-да, ҳуқуқшунос касби бўйича ўқитадиган

таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Сиз қизиқишингизга кўра, ана шу таълим масканларидан бирига ўрнатилган тартибда ариза топширишингиз мумкин.

Х. ЗИКРИЛЛАЕВ, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари.

— Ер участкам бор. Унга ер солиғи тўлашман. Яқинда уй қуриш учун пойдевор қўйдик. Инди солиқчилар келиб, мулк солиғи талаб қилишмоқда. Бу қанчалик тўғри?

У. ҲАЙТОВ. Асака тумани

Мулк солиғи қачон тўланади?



— Солиқ кодексининг 277-моддасига асосан, янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ улар барпо этилган йилдан кейинги йил бошидан эътиборан тўланади.

Р. НАСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

— Хорижда қонуний асосда ишлаб келиш ниятидан. Айтинг-чи, ҳозир Ўзбекистон Республикаси қайси мамлакатлар билан ишчи кучи етказиб бериш бўйича ҳамкорлик алоқалари ўрнатган? Чет элда меҳнат қилиш масаласида кимга мурожаат этиш лозим?

Т. БЕРДИБАЕВ. Нукус шаҳри

Ҳамкорлик йўлга қўйилган

— Ҳозирги вақтда ишчи кучи етказиб бериш бўйича Корея Республикаси билан икки томонлама ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Чет элда меҳнат қилиш масаласида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент, Қўқон, Қарши, Бухоро ва Нукус шаҳарларида жойлашган минтақавий бюроларга мурожаат этиш мумкин.

У. НАЗАРОВ, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги раҳбари.

ЮЗМА-ЮЗ



— Ҳали фермерлик фаолияти йўлга қўйилмаган даврда, узоқ йиллар эски хўжалик жамоалари таркибида далада меҳнат қилганман. Лекин уша вақтларда бизга меҳнат дафтарчаси юритилмаган. Айтинг-чи, меҳнат дафтарчаси бўлмай туриб ҳам пенсияга чиқиш мумкинми?

Р. ОДИЛОВ. Уйчи тумани

— Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонуни 42-моддасига муво-

«Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 59-бандига биноан, меҳнат дафтарчаси

меҳнат шартномалари (контрактлар), архив маълумотномалари ва меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги маълумотномани тайёрлаган ходим томонидан имзоланган ва уни берган ташкилот ёки архивнинг муҳри билан тасдиқланади.

Ушбу Низомнинг 56-бандига мувофиқ, иш стажини тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврлари суднинг қарори билан белгиланади.

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари.

Меҳнат дафтарчаси бўлмаса...

фиқ, иш стажини тасдиқлаш тартиби белгиланган бўлиб, бунда меҳнат дафтарчаси асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда, иш стажини тасдиқлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган

мавжуд бўлмаганда, шунингдек, меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки меҳнат фаолияти даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлган ҳолларда, иш стажини тасдиқлаш учун (иш билан банд шахснинг иш стажидан ташқари) маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлари ва иш ҳақи бериш учун ведомостлар,

мотлар мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади.

Бунда маълумотномада ишга қабул қилиш тўғрисидаги, иш (лавозим) бўйича ўзгаришлар тўғрисидаги ва асослари акс этган ҳолда меҳнат шартномасининг тўхтатилиши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак. Маълумотнома ташкилот ёки архив раҳбари, шунингдек, маълумотномани тайёрлаган ходим томонидан имзоланган ва уни берган ташкилот ёки архивнинг муҳри билан тасдиқланади.

Икки хил ҳолат мавжуд

— Бундан 5-6 йил аввал мактабимиз ҳовлисидаги бўш жойда теракзор барпо қилган эдик. Ҳозир теракзоримиз қурилишбоп ёғоч ҳолатида келган. Қолаверса, унинг жойига яна дарахт кўчатлари экишни мўлжаллаганмиз. Саволимиз шуки, мактаб ҳовлисида, ушбу ўқув муассасаси эҳтиёжи учун ўстирилган теракзорни кесиб ҳам табиатни муҳофаза қилиш ташкилотидан рўхсат олиш керакми?

С. ТУРСУНОВ. Гулистон тумани

— Муддатидан қатъи назар, мактаб ҳовлисидаги бўш жойда парваришланаётган теракзор мақсадли равишда, яъни таълим муассасаси эҳтиёжи учун плантация сифатида экилган ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, мактаб эҳтиёжлари учун кесиб фойдаланиш мумкин. Агар у ободонлаштириш ниятида экилган бўлса, унда маҳаллий давлат ҳокимиятининг тегишли қарори ва рўхсатномаси асосида, тўлов эвазига кесибга йўл қўйилади.

Ў. СОБИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлат биозазорати инспекциясининг Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўлими бошлиғи.



— Шахсий томорқамни ривожлантириш, унда қорамол, парранда ёки қуён боқиш учун имтиёзли кредит олиш мумкинми? Бу борада қайси банкка мурожаат қилишим керак?

А. ЖУМАНИЕВ. Янгибозор тумани

— Бугунги кунда тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликлар (жисмоний шахслар)га Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 20 мартда 2344-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом»-га мувофиқ: қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва етиштириш учун олти ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача бўлган муддатга; мевали дарахтлар ва узум кўчатлари сотиб

Имтиёзли кредит олиш мумкинми?

олишга бир йиллик имтиёзли давр билан 3 йилгача бўлган муддатга; уруғликлар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш ҳамда паррандачилик ва асаларчиликни ривожлантириш учун олти ойлик имтиёзли давр билан 2 йилгача бўлган муддатга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори

бўлмаган миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиб келинмоқда. Шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда микрокредитлар берилади. Микрокредитлар қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан унинг тўлов топшириқномасига асосан, кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташки-

лотларнинг банкдаги талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сиз ўзингиз истиқомат қилаётган ҳудудда жойлашган тижорат банкларига қорвачиликни ривожлантириш учун кредит ажратишни сўраб, ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

М. ШОНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Зарарни қоплаш мажбурияти

— Ташкилотимиз раҳбари мени ноқонуний ишдан бўшатиб юборган эди. Суд орқали ишимга тикландим. Маошсиз қолган ойлари учун ҳисоб-китоб қилинади-ми? Бу ўринда менга кимнинг ҳисобидан ҳақ тўланади?

Ш. РУСТАМОВ. Қумқўрғон тумани

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 112-моддасига мувофиқ, ходим ишга тикланганда унга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти иш бевуричига юклатилади.

Зарарни қоплаш мажбурий проғул вақти учун ҳақ тўлаш, меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган харажатлар ва бошқалар) учун компенсация тўлашдан, шунингдек маънавий зарар учун компенсация тўлашдан иборатдир.

Мазкур муддат йиллик асосий таътили олиш ҳуқуқини бевурич иш стажига киради (142-модда).

Шуни назарда тутиш керакки, иш бевуричи ходимнинг пул ундиришга доир талабларини ҳеч қандай муҳлат билан чекламай, ҳамма вақт учун қондиришга ҳақлидир. Бироқ меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий проғул вақти учун ходимга ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш чоғида суд томонидан ходимнинг пул ундиришга доир талаблари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қондирилади (275-модда).

Д. КИМСАНОВ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Юридик бўлими mudiri.



Расмийлаштирилиши лозим

— Яқинда турмуш ўртоғимнинг автомобилни бошқариб кетаётсам, ИПХ ходими мени тўхтапти. Транспорт воситасини бошқариш учун ишончнома йўқлиги боис машинани ҳайдашим мумкин эмаслигини айтди. Мен эса «эр-хотиннинг мулк умувий, шундай экан, нима учун ишончнома талаб қиласиз?» деб эътироз билдирдим. Лекин ИПХ инспектори барибир автомобиль бошқаришимни қондабузарлик, деб ҳисоблади. Шу тўғрисида?

Н. АСАДУЛЛАЕВА. Ферғона шаҳри

— Турмуш ўртоғининг номида бўлган транспорт воситасини нотариал идора орқали расмийлаштирилган ишончнома, умумий мулк тўғрисидаги гувоҳнома ёки никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг тасдиқланган нусхаси асосида бошқаришга рўхсат этилади.

Х. САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи.

ЯНА САВОЛЛАРИНГИЗ БОРМИ, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН? ХАТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ!

Footer section containing contact information for 'Kuzgu' newspaper, including phone numbers, addresses, and subscription details. It also features a QR code and a barcode.